

**А.Х. Аюбжонов, и.ф.н., доц.
Б.Ш. Акбарова, ассистент, ТДИУ**

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ

В статье даётся статистический анализ малого бизнеса и частного предпринимательства, экономическое развитие и правовые основы, налогообложение на прибыль и единого налогового платежа. Создание новых рабочих мест обеспечивающих стабильное и гибкое развитие малого бизнеса в Республике Узбекистан в условиях рыночной конъюнктуры.

The article provides a statistical analysis of small business and private entrepreneurship, economic development and legal framework, taxation on income and single tax payment. Creation of new jobs to ensure a stable and flexible development of small business in the Republic of Uzbekistan in the conditions of market conditions.

Калим сўзлар: *кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ялпи ички маҳсулот, кредит, солиқ, экспорт импорт, хизмат кўрсатиши, қишлоқ хўжалиги, саноат.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши мунтазам равишда ошиб бормоқда. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларининг яратилганлиги бундай ижобий натижага эришишга тўртки бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда кенг кўламли солиқ ва боғжона имтиёзларининг берилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати сезиларли даражада яхшиланди. Масалан, 2015 йилда енгил ва озик-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар яратилди (3-расм).

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёсслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Умуман айтганда, нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг

шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда. Ушбу масалани ҳал этишда кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги вазифалари қуйидагидардан иборатдир:


1. Иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш;
2. Йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш;
3. Янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш;
4. Бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш;
5. Илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш;
6. Ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш;
7. Солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш;
8. Аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш ва бошқалар.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаси қуйидагилар орқали намоён бўлади:

- кичик бизнеснинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 2015 йилда 58 фоизга етганлиги (1-расм);

- иш билан банд ходимлар пул даромадларининг 70 фоизи айнан кичик бизнес соҳасида шаклланаётганлиги;

- кичик бизнес корхоналарининг мамлакат экспортидаги улуши 2015 йилда 18 фоизга етганлиги ва ҳ.к. [5].



1 - расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда

Манба: www.pogma.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2015 йилнинг январь-декабрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланди (жадвал):

жадвал


Иқтисодиёт тармоқлари	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
1	2	3
Саноат	35699,7	44,6
Қишлоқ хўжалиги	41591,3	100,0
Қурилиш	17015,0	66,4
Чакана савдо	61839,9	83,8
Пуллик хизматлар	13881,7	89,7
Юк ташиш, млн.тн	744,8	65,6
Йўловчи ташиш, млн.киши	6600,1	92,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	3461,6	3,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	5524,8	8,8

Манба: www.stat.uz.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 9376,4 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 92,1 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




2 -расм. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши

Манба: www.stat.uz.

2016 йилда кичик бизнесни жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасида чора тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Масалан, 2015 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари учун ягона мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал

ривожланишида, энг аввало, мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги муҳим ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга, 2011 йилда 6 фоизга, 2012 йилда бошлаб эса 5 фоизга пасайтирилди (3-расм) [5].

3-расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2015 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга ёки 7.6 марта қисқарган.



3-расм. Кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари, фоизда

Манба: www.pogsha.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4455-сонли ва 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли фармонлари ва 2011 йил 11 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни қўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1501-сонли қарори билан яратилган янги шарт-шароитлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг янада эркинлаштирилиши ҳамда улар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар, соҳанинг янада ривожланишига ва натижада ушбу сектор субъектлари томонидан банк хизматлари ва кредитларига талабнинг ошишига имкон бермоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли фармони талабларидан келиб чиқиб, хўжалик субъектлари муайян ҳисоботларини сонли ва статистика органларига йилда бир марта тақдим этишини инобатга олган ҳолда, тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилиши жараёнида янги ташкил этилган тадбиркорлик

субъектлари учун кўшимча равишда молиявий субъектлари учун кўшимча равишда молиявий ҳисоботлар тақдим этилиши бекор қилинди [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда Республика банк молия тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438- сонли қарори асосида қуйидаги чора- тадбирлар амалга оширилди:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2.7 баробар оширилди;

- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори оширилди; тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек, аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этилди;

- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб борилмоқда;

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва ҳоказолар [2].

Юқоридаги таҳлилий маълумотларга асосланиб мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги тақлифларни бериш мумкин деб ҳисоблаймиз:

1. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ишлов берувчи кичик корхоналар сонини кучайтириш зарур;

2. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи иккиламчи чиқиндиларга ишлов берувчи кичик корхоналар сонини ошириш ҳозирги кунда иқтисодиётимиз раванқига муносиб ҳисса қўшди;

3. Ахборот – коммуникация технологиялари тизимларини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан шуғулланувчи кичик корхоналар сонини янада кучайтириш ҳам ҳозирги кунда давр талаби бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнесни ривожлантириш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар соҳанинг иқтисодий ривожланишдаги, аҳолини иш билан бандлиги ва даромадларининг ўсишидаги роли янада кучайиши ҳамда ЯИМ, экспорт ва тармоқлар соҳаларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида. //http:www.lex.uz

2. М.Болтабоев ва бошқалар. Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним! Т:-“Маънавият”, 2015.-232 б.

3. www.lex.uz

4. www.norma.uz

5. www.stat.uz